

Аллоҳ номи ила Аллоҳ бу дунёда ҳаммага Раҳимли охиратда фақат мусулмонларга.

Тавҳид илми барча илмларни ичида энг афзали ва асосийсидир. Чунки тавҳид илми инсон ва бутун оламни яратгувчиси Аллоҳ ҳақида, ҳамда Унинг энг улуғ қуллари бўлмиш Пайғамбарлар ҳақидадир. Тавҳид илмини мукамал билган инсон ўзини Иймонини куфрдан ва куфрга етаклайдиган ҳар бир нарсадан Аллоҳни Раҳмати ила асрайди. Кимки бирор куфр сабабли Ислом динидан чиқиб кофир холича яъни Исломга қайтмасдан дунёдан ўтса ундай инсон абадий Дўзахда бўлади.

Сура Ан Нисаа Оят 138, маъноси.

Аллоҳ кофирларни асло кечирмайди.

Ислом ва Иймон бу афсона ёки хом ҳаёл эмас. Ислом бу инсонларни ақли етадиган Аллоҳ буюрган Шариъат қонунларидир. Инсон ўз билганича тасаввур ҳамда ибодат қилиш маъқул эмас. Албатта Аллоҳ буюргандек Иймон этиш ва ибодат қилиш керак. Ислом Шариъатига тўғри амал қилиши керак.

## ҲИДОЯТ САРИ

# Иймон олти устуни

Ўзбек тилида  
(باللغة الأوزبكية)

Ал Иршод  
Киев 2007

## Мукаллаф.

Мукаллаф бу балоғатга етган, ақлли ва Ислом асоси яъни Калимаи Шаҳодатни эшитган инсондир. Агар инсонда кўрсатилган учта ҳолатлардан бириси бўлмаса, ундай инсон мукаллаф эмас яъни ўз амали учун жавоб бермайди.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " رفع القلم عن ثلاث: عن النائم حتى يستيقظ و عن الصبي حتى يحتلم و عن المجنون حتى يعقل " رواه الإمام أحمد رضي الله عنه.

Маъноси:

«Уч тоифа инсон ўз амалига жавоб бермайди: уйқудаги инсон уйғонмагунча, ёш бола балоғатга етмагунча ва ақлдан озган инсон (мажнун) тузалмагунча».

Имом Аҳмаддан ривоят қилинган.

1.Балоғатга етганлигини эркак кишида маний келишидан билинади. Агар бу ҳолат бўлмаса Ислом тақвими бўйича 15 ёшда балоғатга етган бўлади.

Балоғатга етганлигини аёл кишида маний келиши ёки ойда ҳайз қони келишидан билинади. Агар бу ҳолатлар бўлмаса Ислом тақвими бўйича 15 ёшда балоғатга етган бўлади.

2.Агар инсон телба яъни руҳан касал бўлиб туғилиб шу ҳолича яшаб дунёдан ўтса мукаллаф эмас. Агар ҳаёти давомида балоғатга етиб, тузалиб Ислом асосини эшитса ва Исломни қабул қилмай яна телба холига қайтса ёки ўлса ундай инсон соғлом (тузалганда) яшаган вақтига жавоб беради.

3. Ислом динини асоси бу Калимаи Шаҳодатдир.

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Пайғамбаридир. Агар инсон Калимаи Шаҳодатни ёки шу маънони берадиган сўзни қайси миллат тилида эшитган бўлса ундай инсон Ислом асосини эшитгандир.

Ҳар бир мукаллаф кофир Калимаи Шаҳодатни айтиб Ислом динини қабул қилиши керак. Агар кофир калимани тили билан айтмаса ёки қалби билан тан олмаса у кофир ҳолида қолади. Мусулмон инсон умрини охиригача ўз иймонини куфрдан ва ширкдан асраши керак. Аллоҳ буюрган Ислом Шарийатини тўғри ва тўлиқ тан олиш керак. Аллоҳ буюрган фарзларни мукамал ва тўғри бажариши керак.

## Иймон олти устуни.

Иймон мукамал бўлиши учун инсон Шарийат илмини билиши ва шу илмга амал қилиши ҳамда тақводор бўлиши керак.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "الإيمان أن تؤمن بالله وملائكته وكتبه ورسله واليوم الآخر وأن تؤمن بالقدر خيره وشره"  
رواه مسلم

Маъноси:

«Иймон бу Аллоҳга ва Унинг Фаришталарига, Китобларига, Пайғамбарларига, Охират кунига ҳамда яхшилик ва ёмонликни тақдир қилинганига ишонишдир».

Имом Муслимдан ривоят қилинган.

## Аллоҳга иймон.

Аллоҳдан ўзга ҳеч ким ибодатга лойиқ эмас. Аллоҳ Абадий ва Азалийдир. Уни бошланиши ва охири йўқ. Аллоҳ ёлғиз яратувчидир, ҳеч ким ва ҳеч нарсага мухтож эмас. Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчи ва Қудратлидир. Аллоҳ нимани бўлишини хоҳлаган бўлса у албатта бўлади, ва нимани бўлишини хоҳламаган у ҳеч қачон бўлмайди. Аллоҳ сақлаган кишиларгина гуноҳдан узоқ бўладилар. Фақат Аллоҳ куч ва Иймон бергувчидир. Аллоҳ Тирик ва Унга энг олий сифатлар лойиқдир, бу сифатлар яъни исмлар фақат Унга хосдир. Аллоҳ макон, чегара, масофа, тана каби камчилик ва нуқсонлардан покдир. Аллоҳ ҳеч нарсага ўхшамайди, У ҳамма нарсани Кўргувчи ва Эшитгувчидир. Аллоҳ Абадий, ундан бошқа барча нарсани бошланиши ва чегараси бор. Аллоҳ Яратувчидир, барча жонли,

жонсиз, кўринадиган ва кўринмайдиган нарсаларни ҳатто энг кичик (жавҳарул фард) заррадан тортиб энг катта Ал 'Аршгача ҳамма нарсани яратгандир. Ходиса, сабаб, фикр - ҳаёл, ҳаракат, сукунат ва бутун оламни Аллоҳ яратган.

Сура Фотир Оят 3:

(هَلْ مِنْ خَالِقٍ غَيْرُ اللَّهِ)

Маъноси:

«Ҳеч қандай шубҳасиз Аллоҳдан ўзга Яратгувчи йўқдир».

Имом Абу Жа'фар Ат Таҳавий айтган:

قال الإمام أبو جعفر الطحاوي: "و من وصف الله بمعنى من معاني البشر فقد كفر"

Маъноси:

«Кимки инсонда бор тана ва ҳолатларни Аллоҳда бор деса у кофирдир».

Имом 'Абдул Ғаний Ан Набулсий айтган:

"من اعتقد أن الله ملأ السموات والأرض أو أنه جسم قاعد فوق العرش فهو كافر وإن زعم أنه مسلم"

Маъноси:

«Кимки Аллоҳ осмону ерни тўлдириб туради деса ёки Аллоҳ осмонда Ал 'Аршни устида деса бу инсон кофирдир, ўзини мусулмонман деса ҳам»

Имом Зуннун Ал Мисрий айтган:

مهما تصورت ببالك فالله بخلاف ذلك

Маъноси: «Ҳаёлингда нимани тасаввур қилсанг Аллоҳ унга ўхшамайди».

### Фаришталарга иймон.

Аллоҳ Фаришталарни нурдан яратган. Улар таом, сув истеъмол қилишмайди ва чарчашмайди, ухлашмайди ҳамда уларнинг

жинси йўқ. Фаришталар гуноҳ ва куфр қилишмайди, барчаси мусулмондир. Аллоҳ Фаришталарни инсонни яратмасидан олдин яратган ва улар Қиёматгача ўлмайдилар. Жаброил Фаришталарнинг энг афзалидир ва улар Аллоҳ буюрган вазифаларни бажаришади. Фаришталар инсон ва жинларга нисбатан жуда кўп, уларни миқдорини фақат Худо билади. Фаришталарни шакли, руҳи ва қанотлари бор, улар осмонда яшайдилар. Аллоҳ жинларни оловдан яратган, уларнинг шакли, руҳи, жинси бор, улар туғилади ва ўлади. Жинларни орасида мусулмон ва кофирлари бор. Кофир жинларни шайтон дейилади, жинлар Фаришта эмас. Иблис жинларни ичида энг каттаси ва у Фаришта эмас. Иблисни Фаришта бўлган деб ўйлаш инсонни Ислом динидан чиқаради.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "خلقت الملائكة من نور, وخلق الجان من نار" رواه الإمام مسلم.

Маъноси: «Аллоҳ Фаришталарни нурдан яратган ва жинларни оловдан яратган».

Имом Муслимдан ривоят қилинган.

### Илоҳий китобларга иймон.

Аллоҳ баъзи Пайғамбарларга илоҳий китоблар нозил қилган. Илоҳий китобларни сони 104 та бўлган, Қуръонда бу китоблардан тўрттасини номи айтилган. Қуръони Карим Муҳаммад 'алайҳиссаломга, Тўро Мусо 'алайҳиссаломга, Инжил 'Исо 'алайҳиссаломга, Забур Довуд 'алайҳиссаломга нозил бўлган. Қуръони Каримдан бошқа илоҳий китобларни асл нусҳаси ер юзидан йўқолиб кетган. Қуръони Карим Худони Қудрати ила ўзгармаган ва йўқолмайди. Қуръони Карим ҳақ йўлни кўрсатгувчи илоҳий китобдир.

Ҳадис:

"أنزلت التوراة لست مضين من رمضان و أنزل الإنجيل  
لثلاث عشرة خلت من رمضان و أنزل القرآن لأربع و  
عشرين خلت من رمضان"

Маъноси:

«Ушбу илоҳий китоблар ўз вақтида Рамазон ойида нозил бўлган. Рамазон ойини ўн учинчи кунида Инжил, ўн саккизинчи кунида Забур, олтинчи кунида Тўро ва йигирма тўртинчи кунида Қуръон нозил бўлган».

Имом Ал Бухорийдан ривоят қилинган.

### **Пайғамбарларга иймон.**

Мусулмонлар барча Пайғамбарларига ишонади ва тан олишади. Ер юзида бир юз йигирма тўрт мингта Пайғамбар бўлган, улардан йигирма бештасини номи Қуръони Каримда айтилган. Биринчи инсон ва биринчи Пайғамбар Одам 'алайҳиссалом ва Идрис, Нух, Худ, Солих, Лут, Иброҳим, Исмо'ил, Исҳоқ, Я'қуб, Юсуф, Айюб, Шуа'йб, Мусо, Хорун, Довуд, Сулаймон, Юнус, Ил'ес, Зулкафли, Алийаса', Закариё, Яҳё, 'Исо (Исус) ва охиргиси Муҳаммад алайҳиссаломдир.

Сура Ал Бақара Оят 285, маъноси:

«Аллоҳ барча Пайғамбарларига иймон қилишга буюрди».

Аллоҳни барча Пайғамбарлари ақли, ҳақгўй, ботир ва инсонларга дардкаш бўлган. Барча Пайғамбарлар мусулмон бўлганлар.

Сура Аш Шўро Оят 13, маъноси:

«Сизга берилган Ислом дини сиздан олдин Нухга, Иброҳимга, Мусога ва 'Исога берилган. Сиз ҳам шу динга эътиқод қилинг ва асранг, ўзга оқимларга ажраманг».

Аллоҳ Пайғамбарларни гуноҳдан, куфрдан ва нодонликдан асраган. Пайғамбарлар инсонларни Ислом динига даъват этганлар ва уларни Аллоҳга ширк ва куфр қилмасликка ўргатганлар. Барча Пайғамбарларнинг дини Исломдир, фақат Шариъат қонунларида фарқ қилган. Охирги Пайғамбар Муҳаммад 'алайҳиссаломдир. Муҳаммад 'алайҳиссаломга Аллоҳ буюрган Шариъатга амал қилиш ҳар бир мукаллафга фарздир.

Аллоҳ яратган махлуқотларни ичида энг улуғи, энг шарафлиси Пайғамбарлардир, Муҳаммад 'алайҳиссалом Пайғамбарларни энг улуғи ва охиргисидир.

Сура Ал 'Имрон Оят 85, маъноси:

«Кимки Ислом динидан ўзга динга ишонса ундан қабул бўлмайди. У Охиратда зиён кўргувчилардандир».

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " ما من يهودي أو نصراني سمع بي و بما جئت به و لم يؤمن بي كان من أصحاب النار " رواه البيهقي.

Маъноси:

«Ҳар бир насроний, яҳудий Пайғамбар айтган нарсаларга ишонмаса ва тан олмаса унинг жойи Дўзахдандир».

Имом Ал Байҳақидан ривоят қилинган.

Сура Ан Нажм Оят 3-4, маъноси:

«Ҳаққи Муҳаммад 'алайҳиссалом нимани айтган бўлса ҳаммаси Аллоҳдандир».

### **Охират кунига иймон.**

Сура Ал Мўминун Оят 115, маъноси:

«Аллоҳ бу оламни ва ундаги нарсаларни беҳуда яратмаган. Ҳаққи албатта Қиёмат бўлади».

### **Қайта тирилиш ҳақдир.**

Ер юзида қанча инсон ва жин яшаган бўлса, Қиёмат куни барчаси қайта тирилади. Пайғамбарларни, Шаҳидларни ва баъзи авлиёларни танаси қабрда чиримайди, қабрдан биринчи бўлиб Муҳаммад 'алайҳиссалом турадилар ва сўнгра Макка, Мадина, Тоййиф шаҳарлар аҳли ва қолганлар тирилиб ўз қабрларидан чиқадилар.

Сура Ал Ҳаж Оят 7, маъноси:

«Ҳаққи вақти келиб Аллоҳ барча қабрдагиларни яна тирилтиради, бунга гумон йўқ.».

### **Махшаргоҳда тўпланиш ҳақдир.**

Барча инсонлар қайта тирилгандан сўнг Аллоҳ яратган кумушранг текис ва жуда катта ерда тўпланадилар. Улар уч тоифага бўлинадилар.

1-тоифа Пайғамбарлар, Шаҳидлар, Авлиёлар ва тақводор мусулмонлар бўладилар. Булар чиройли либосларда, саломат холда, эгарлари олтиндан бўлган туяларни устида ва Ал 'Аршни соясида бўлишади.

2-тоифа гуноҳкор мусулмонлар бўлишади. Улар оч яланғоч ва кўзлари кўрқувда ҳамда ночор ахволда бўладилар.

3-тоифа кофирлар. Улар юзлари ерга судралган жирканч ахволда бўладилар.

Сура Ал Исро Оят 97, маъноси:

«Аллоҳ кофирларни Қиёмат куни юзлари ерга судралган холда қар, кўр ва сақов қилиб тўплайди».

Сура Ал Бақара Оят 203, маъноси:

«Кўрқинг, албатта ҳисоб учун тўпланасизлар».

### **Сўроқ бўлиш ҳақдир.**

Қиёмат кунида инсонларга бу дунёда қилган ўз амаллари кўрсатилади. Икки Фаришта Роқиб ва 'Атид инсонни қилган яхши ёмон амалини «номаи 'амол» китобига ёзиб туради. Қиёмат куни мусулмон китобини ўнг қўли билан олади, кофир эса китобини чап қўли билан ёки орқасидан олади.

Сура Иншиқоқ Оят 7-12, маъноси:

«Кимга китоби ўнг томондан берилса унга сўроқ енгил бўлади ва у хурсанд ва бахтиёрдир. Кимга китоби чап томондан ва орқасидан берилса, унга Дўзахда кучли олов ва абадий азоб тайёрланган».

### **Тарози ҳақдир.**

Инсонларни амали ёзилган китобни, варақаларни Фаришталар Жаброил ва Микоил тарозида тортади. У тарози жуда катта ва икки палласи бор. Бир паллага яхши амаллар, иккинчи паллага ёмон амаллар ёзилган варақалар қўйилади. Агар савоб гуноҳдан кўп бўлса бу инсон омонликда бўлади. Агар савоб ва гуноҳи тенг бўлса у инсон ҳам омонликда бўлади, аммо мартабаси биринчига қараганда паст бўлади. Агар гуноҳи савобидан кўп бўлса Худо хоҳласа кечиради ёки гуноҳига лойиқ жазо олади. Кофирнинг ҳеч қандай савоб амали бўлмайди, унинг номаи амалига фақат гуноҳлари ёзилган бўлади.

Сура Иброҳим Оят 18, маъноси:

«Кофирларни қилган амаллари мисоли шамол олов кулини учиргандек бекор учиб кетади».

### **Сирот кўприги ҳақдир.**

Кўприкни бир учи махшаргоҳда, иккинчи учи жаннатда бўлади. Кўприкни остида Дўзахдир. Кофирлар Дўзахга тушиб кетадилар. Мусулмонларни баъзилари кўприкдан учиб ва юриб ўтадилар, баъзи гуноҳкорлари эса Дўзахга тушиб кетадилар.

### **Ҳовуз ҳақдир.**

Мусулмонлар Сирот кўпригидан ўтгандан кейин Жаннатга киришдан олдин Ҳовуздан сув ичадилар. Ҳовуздаги сув асалдан ширин ва сутдан оқ бўлади. Ҳар бир Пайғамбарнинг ўз Ҳовузи бор, энг катта Ҳовуз Муҳаммад 'алайҳиссаломникидир. Ҳар бир уммат ўз Пайғамбарини Ҳовуздан сув ичади. У ердаги косаларни миқдори осмондаги юлдузларни миқдорича. Ҳовузларга сув Жаннатдан оқиб келади.

### **Шафоат ҳақдир.**

Қиёмат кунида Пайғамбарлар, Шаҳидлар, Фаришталар ва Авлиёлар Аллоҳдан баъзи гуноҳкор мусулмонларни гуноҳини кечиришини сўраб дуо қилишади.

Ҳадис:

## قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " شفاعتي لأهل الكبائر من أمتي " رواه الحاكم في المستدرک

Маъноси:

«Менинг шафоатим умматим орасидаги оғир гуноҳкорлар учундир».

Имом Ал Ҳакимдан ривоят қилинган.

### Жазо ва омонликда бўлиш ҳақдир.

Агар кимки Дўзахда жазо олса ўша инсон шунга лойиқдир. Аллоҳнинг адолати ҳақдир ва У ҳеч кимга зулм қилмайди. Аллоҳ кимни Жаннатий қилса бу Аллоҳни Раҳмати. Аллоҳ ҳеч кимга қарз ва мажбур эмас.

### Жаннат ҳақдир.

Аллоҳ Жаннатни мусулмонлар учун яратган. Жаннатни бошланиши бор, аммо Худони Қудрати ила уни охири йўқдир. Жаннат еттинчи осмонни устида ва осмондан алоҳида жойлашган. Жаннатни устида Ал 'Аршдир. Жаннат жуда катта ва чиройли бўлиб, унда боғлар, қасрлар ва нозу - неъматлар бисёрдир. Жаннат аҳли жуда чиройли ва ўттиз уч ёшда бўлади. У ерда туғилиш, ўлим, чарчаш, касаллик ва нажосат бўлмайди.

Сура Ан Нисо Оят 13, маъноси:

«Кимки Аллоҳга ва Уни Пайғамбарига Иймон келтирган бўлса, остидан дарёлар оқиб турган Жаннатда абадий бўлади».

### Дўзах ҳақдир.

Дўзахни бошланиши бор, аммо Аллоҳни Қудрати ила уни охири йўқдир. Аллоҳ Дўзахни кофирларни ва баъзи гуноҳкор мусулмонларни жазолаш учун яратган. Дўзахда Худо яратган энг кучли олов бўлиб, у еттинчи ерни остидадир ва ердан алоҳида жойлашган. Кофирлар Дўзахда абадий аламли қаттиқ азобда бўладилар. Дўзахда улар учун бир дақиқа ҳам енгиллик бўлмайди.

Сура Ал Аҳзоб Оят 65, маъноси:

«Ҳақки Аллоҳ кофирларни лаънатлаган ва уларга кучли олов тайёрлаган. Кофирлар Дўзахда абадий бўладилар, улар у ерда ёрдамчи ва ҳимоячи топа олмайдилар».

### Тақдирга иймон.

Ҳадис:

"القدرية مجوس هذه الأمة إن مرضوا فلا تعودوهم, وإن ماتوا فلا تشهدوهم" رواه أبو داود والبيهقي في كتابه "القدر"

Маъноси:

«Тақдирга ишонмаган инсонлар оташпарастрлар кабидир. Агар улар ўлса ёки касал бўлса борманглар».

Абу Доуд ва Ал Байҳақийдан ривоят қилинган.

Сура Ал Қомар Оят 29:

( إنا كل شئ خلقناه بقدر )

Маъноси: «Ҳақки Аллоҳ барча нарсаларни тақдир билан яратган».

Агар кимки тақдирга ишонмаса, шубҳаланса ёки бирор амал, ҳаракат ва ҳолатлар инсонни ўзини ихтиёри билан бўлади деса у инсон кофирдир. Барча нарсалар Аллоҳни Иродаси ва Тақдири билан бўлади.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : قال الله تعالى: "يا محمد إني إذا قضيت قضاء فإنه لا يرد" رواه مسلم ( حديث قدسي ).

Маъноси:

Аллоҳ Таоло айтди: Эй Муҳаммад нима тақдир қилинган бўлса ҳеч қачон ўзгармайди.

Имом Муслимдан ривоят қилинган.

Яхшилик, ёмонлик, ҳаракат, сукунат, фикр, ҳаёл ва оламдаги барча нарсалар Худони Иродаси билан бўлади. Нимани Аллоҳ бўлишини хоҳлаган у ходиса албатта бўлади, нимани Аллоҳ

бўлишини хохламаган у ходиса ҳеч қачон бўлмади. Аллоҳни Иродаси ҳеч қачон ўзгармайди.

Сура Ал Маъориж Оят 4, маъноси:  
«Қиёмат эллик минг йил давом этади».

### Қабр азоби ва сокинлиги.

Қабр азоби ҳақдир. Бунга Оят ва Ҳадислар бордир.

Сура Ғофир Оят 46, маъноси:

(النَّارُ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ أَدْخِلُوا  
ءَالَ فِرْعَوْنَ أَشَدَّ الْعَذَابِ)

«Дўзах қабрда кофирларга саҳарда ва окшомда кўрсатилади. Қиёмат куни Фиръавн ва уни издошлари яъни кофирлар қаттиқ азобга дучор бўлади».

Ҳадис:

"إنهما ليعذبان وما يعذبان في كبير إثم, قال: بلى, أما أحدهما فكان يمشي بالنميمة, وأما الآخر فكان لا يستتر من البول, ثم دعا بعسيب رطب فشقه اثنتين فغرس على هذا واحداً و على هذا واحداً, ثم قال لعله يخفف عنهما"

Маъноси:

Пайғамбар икки қабрни олдидан ўтиб кетаётди айтдилар: «Улар қабрда оғир гуноҳлари учун азобланаётдилар. Бирини гуноҳи чақимчилик ва иккинчисини гуноҳи сийдиқдан покланмаган экан». Сўнгра Пайғамбар хўл новдани олиб иккига бўлиб қабрларга сукдилар ва сўнгра айтдилар, бу уларни азобини енгиллаштиради.

Имом Ал Бухарий ва Муслимдан ривоят қилинган.

**Изоҳ:**

Қабрда мусулмонлар бўлган, чунки кофирларга қабрда ва Дўзахда енгиллик бўлмайди. Хўл новда қуригунча Аллоҳга тасбеҳ айтади.

Қабрда Мункар ва Накир Фаришталари томондан сўроқ бўлиши. Бу Фаришталар кофирни темир гурзи билан бошига уриши, қабр

кофирларни танасини сиқиши, айтилган ҳатто қовурғалари бири-бирига кириб кетади. Яна бошқа азобларни Аллоҳ кофирлар учун тайёрлаган. Баъзи гуноҳкор мусулмонлар ҳам қабрда азоб олади.

Пайғамбарлар, Шаҳидлар ва балоғатга етмай ўлган болаларни қабрда Фаришталар Мункар ва Накир сўроқ қилмайди. Тақводор мусулмонларни қабри Худони Раҳмати ила ёруғ ва кенг бўлади. Баъзи тақводорларнинг қабрларидан Жаннатни хиди келиб туради. Улар Қиёматгача тинч ва сокинликда бўладилар. Кимки қабр азобига ишонмаса у кофирдир.

### Оламни яратилиши.

Олам - бу Аллоҳ яратган барча мавжуд нарсалардир.

Ҳадис:

"كان الله ولم يكن شئ غيره وكان عرشه على الماء" رواه ابن  
حبان

Маъноси:

«Аллоҳ Абадий бордир ва Ундан ўзга ҳеч нарса йўқ эди. Аллоҳ илк сувни яратди сўнгра Ал 'Аршни яратди».

Ибн Ҳиббандан ривоят қилинган.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " أول ما خلق الله القلم, ثم قال  
اكتب فجرى بما هو كائن إلى يوم القيامة" رواه الترمذي

Маъноси:

«Аллоҳ Қоламул 'аълага яралишни бошидан то Қиёматгача нима бўлишини Лавҳул Махфузга (тақдир деворига) ёзишини буюрди».

Имом Ат Термизийдан ривоят қилинган.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "كتب الله مقادير الخلق قبل  
أن يخلق السموات والأرض بخمسين ألف سنة" رواه مسلم

Маъноси: «Ер ва Осмон яратилмасидан 50 минг йил олдин Аллоҳни Иродаси билан тақдир деворига Қиёматгача нима бўлиши ёзилган».

Имом Муслимдан ривоят қилинган.

Сура Ал Анбиё Оят 30, маъноси:

«Ҳамма жонли нарсани Аллоҳ сувдан яратган».

### **Аллоҳ оламни шу тартибда яратган.**

Аллоҳ биринчи сув ва Ал 'Аршни, сўнгра Қоламул 'аъла ва Лавҳул Махфузни ҳамда етти осмон ва етти ерни яратган. Ерлар ва осмонлар орасидаги масофа жуда каттадир.

Сура Қоф Оят 38, маъноси:

«Ҳаққи Аллоҳ осмонлар ва ерларни олти кунда яратди ва Аллоҳ чарчашдан покдир».

Қуръони Каримда айtilган олти кун бизни вақтга 6000 йилга тўғри келади. Аллоҳ вақт ва масофани яратган буларга мухтож эмас. Олти кунни маъноси инсонлар ўз ҳаётларида сабр ва тартиб билан амал қилишларига чақирқидир.

### **Одамни яратилиши.**

Сура Ат Тин Оят 4. Маъноси:

«Аллоҳ инсонни гўзал шаклда яратди».

Аллоҳни амри ила Фаришта ерга тушиб оқ – қора, қаттиқ – юмшоқ тупроқдан Жаннатга олиб чиқиб, Жаннат суви билан лой қилиб одам шаклини ясади. Аллоҳ яратган руҳ одамни танасига кириб Одам 'алайҳиссалом тирилди. Одам яралган кун жума бўлган.

Сура Ал Бақара Оят 31. Маъноси:

«Аллоҳ Одам алайҳиссаломга барча тилларни ва ҳамма нарсаларни исмини билдирди».

Одам 'алайҳиссаломни Аллоҳ чиройли ва ақлли қилиб яратган. У хотини Ҳавво билан Жаннатда 130 йил яшаган. Одам 'алайҳиссалом хотини Ҳавво билан ерга туширилгандан кейин 40 маротаба Ҳавво эгизак фарзанд тукқан. Ҳар доим бири ўғил бири қиз бўлган. Одам 'алайҳиссалом хотини ва фарзандларига Ислому динини ва Шариъат қонунларини ўргатган. Одам 'алайҳиссалом хотини ва фарзандларига ҳаётий ишларни яъни буғдой экиш ва ўриш, пок нарсаларни истеъмол қилиш, кийим тикиш ва кийиш ҳамда шу каби ишларни ўргатган.

Агар кимки Одам маймундан келиб чиққан деб ўйласа ёки Одам асрлар олдин ҳайвондай тўрт оёқлаб юрган, хулқи ҳайвонларга ўхшаш бўлган деб эътиқод қилса ундай инсон кофирдир.

### **Кофирларни баъзи турлари.**

1. Атеистлар. Булар Худони борлигини инкор этишади яъни Худога ишонишмайди. Бу куфрни энг ёмон туридир.

2. Оташпарастлар, бутпарастлар, гришнаидлар деб номланади. Булар тошга, оловга, қуёшга, молга, бутларга ва шу каби яратилган нарсаларга сиғинади.

3. Насронийлар (христианлар) ва яхудийлар. Булар Аллоҳга лойиқ бўлмаган фарзанд, руҳ, макон, шакл каби камчилик нуқсонларни айтишади.

Сура Ат Тавба Оят 30, маъноси:

Яхудийлар айтдилар «'Узайр Аллоҳни ўғли деб, Насронийлар айтдилар 'Исо Аллоҳни ўғли деб».

4. Мунофиқлар. Булар тили билан мусулмонмиз деб айтади, аммо қалбида Аллоҳга ва Пайғамбарга ишонмайди.

Сура Ан Нисо Оят 145, маъноси:

«Ҳаққи мунофиқлар Дўзахни қаъридадирлар».

5. Баъзи илмсиз оқимлар. Бу оқимлар Аллоҳ осмонда Ал 'Аршни устини эгаллаб туради ёки инсон яхши – ёмон амалини ўзи яратади дейишади ва шу каби Тавҳидига мос келмайдиган маълумотлар орқали куфрга тушишган.

Сура Аш Шўро Оят 11, маъноси:

( لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ )

Маъноси: «Аллоҳ ҳеч нарсага ўхшамайди».

Сура Ал Анфол Оят 55, маъноси:

«Ер юзидаги энг ёмон, жирканч ва пасткашлар - кофирлар яъни Аллоҳга ишонмаганлардир».

Имом Али шундай деган:

" إِنْ لَمْ يَخُذْهُ مَكَانًا لِدَاتِهِ "

وَلَمْ يَتَّخِذْهُ مَكَانًا لِدَاتِهِ " رَوَاهُ الْإِمَامُ أَبُو مَنْصُورِ الْبَغْدَادِي

Маъноси: «Аллоҳ Ал Аршни ўз Қудратини кўрсатиш учун яратган, асло ўзига жой қилиб эмас».

Имом Абу Мансур Ал Бағдодийнинг «Оқимлар фарқи» номли китобида ривоят қилинган.

### Куфр ҳақида маълумот.

Куфр бу инсонни Ислому динидан чиқарадиган оғир гуноҳдир. Яъни куфр гуноҳи сабабли мусулмон кофир бўлади. Ҳар бир мукаллаф куфр турларини билиши ва ўз иймонини бу оғир гуноҳдан асраши керак.

( وَرَحْمَتِي وَسِعَتْ كُلَّ شَيْءٍ فَسَأَكْتُبُهَا لِلَّذِينَ يَتَّقُونَ )

Сура Ал-‘Ароф Оят 156, маъноси:

«Бу дунёда мусулмонга ва кофирга ҳам Аллоҳни Раҳмати бор. Аммо кимки ширк ва куфрдан сақланган бўлса, Охиратда ўшаларгагина Аллоҳни Раҳмати бўлади».

### Куфр уч турга бўлинади.

1. Инсонни қалбида яъни эътиқодида бўлиши мумкин.

Кимки Аллоҳни борлигига шубҳаланса, ёки Пайғамбарларга, Қиёмат кунига, Жаннат ва Дўзахга, Фаришталарга, тақдирга, Қуръонга, Ислому Шариятига ва шу каби нарсаларга ишонмаса ёки шубҳаланса диндан чиқади. Кимки Худо осмонда Ал Аршни

эгаллаб туради, ўтиради деса ёки Уни шакли, макони, чегараси, юзи, макр хийласи бор деб ўйласа Ислому динидан чиқади.

2. Инсонни сўзида бўлиши мумкин.

Мисол. Кимки Аллоҳни ва Уни Исмларини ҳақорат қилса ҳамда Пайғамбарларни, Фаришталарни, Ислому Шариятини ва шу каби нарсаларни ҳақорат қилса куфрдир. Кимки мусулмонга ҳеч бир сабабсиз кофир, атеист, яҳудий, насроний деб ҳақорат қилса куфрдир. Кимки кофирга Худо сени кечирсин, севсин деса Ислому динидан чиқади.

Сура Ал ‘Имрон Оят 32, маъноси:

«Аллоҳ кофирларни севмайди».

3. Инсонни амалида бўлиши мумкин.

Кимки бутга, қуёшга ва Худодан ўзга нарсаларга ибодат қилса куфр. Кимки Қуръонни ва Ислому Шарияти ва Аллоҳни исмлари ёзилган маълумотларни ахлатга ташласа куфр. Кофирни Ислому динини қабул қилишдан тўхтатиш куфрдир. Куфрни севиш, оқлаш, химоя қилиш, ёрдам бериш, бировни куфр қилишга мажбурлаш инсонни Ислому динидан чиқаради. Огоҳ бўлинг!

### Куфр учун тавба қилиш.

Ҳар бир куфр сабабли Ислому динидан чиққан инсон дархол динга қуйидагича қайтиши керак. Дархол куфр сўзни, амални ёки қалбдаги тасаввурни тўхтатиб, Ислому динини қабул қилиш нияти билан Калимаи Шаҳодатни қайтариши керак.

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ Муҳаммад Уни Пайғамбаридир деб араб тилида ёки ўзига тушинарли бўлган тилда айтиши керак.

**Аллоҳга муҳаббат бу Аллоҳни барча Ҳукмини бажаришдир.**

Ҳар бир мукаллафни қалби, сўзи ва амали Аллоҳ буюргандек Тавҳид ва Ислому Шариятига мос бўлиши керак. Аллоҳга шукроналик бу ҳаром ва гуноҳдан сақланиш ва фарз амалларни тўғри, мукамал, ихлос билан бажаришдир. Аллоҳ буюрган фарзларни бажаришда сабрли бўлиш, ҳаром ва гуноҳлардан

сақланишда сабрли бўлиш, ҳамда тақдирга яъни Аллоҳни Иродасига сабрли бўлиш ҳар бир мукаллафга фарздир. Кимда ушбу ҳолатлар бўлса у омонликда бўлади. Ислом Шариъатига тўғри амал қилса. Амалларни ихлос билан холис Аллоҳ ризолиги учун қилса. Халолдан озикланса.

Сура Ал 'Имрон Оят 31, маъноси:  
«Айтгин Муҳаммад, агар Аллоҳни севсангизлар мени ортимдан юринг, шунда Аллоҳ сизни севади».

### Гуноҳ учун тавба қилиш.

Гуноҳ учун тавба қилиш Астағфируллоҳ дейиш билан тўлиқ бўлмайди.

Тавбани шарти бор. Аввал инсон гуноҳ сўз ва амални тўхтатиши керак ва қилган гуноҳлари учун қалбдан афсусланиши керак. Такрор гуноҳ қилмайман деб Аллоҳдан гуноҳини кечиришини сўраши керак.

Агар гуноҳ фарз намоз, рўза, закот билан боғлиқ бўлса албатта фарз намоз, рўзаларни қазоларини бажариши керак. Агар Закот тўлашга неча йил ҳақдор бўлган бўлса уларни тўлаши керак.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " من نام عن صلاة أو نسيها فليقضها إذا ذكرها فليس لها كفارة إلا ذلك " رواه البخاري

Маъноси:

«Кимки намозни уйқу сабабли ёки унутиб вақтидан ўтказган бўлса, ёдига келганда қарзини ўқисин, бундан ўзга каффорат йўқдир».

Имом Ал Бухорийдан ривоят қилинган.

Агар бировларни ҳаққини ноҳақ олган бўлса эгасига қайтариши керак. Агар бировларни ноҳақ жазолаган ва ҳақорат қилган бўлса улардан узр сўраши керак.

Сура Ал 'Имрон Оят 135, маъноси:

«Кимки гуноҳ қилди ўзига зулм қилди, сўнгра Аллоҳдан гуноҳлари учун тавба қилиб кечирим сўраса Аллоҳ уни гуноҳларини кечиради».

Яшашдан мақсад, дунёдан Аллоҳ буюрган фарзларни бажариб, куфрдан сақланиб Иймон билан мусулмон бўлиб ўтишдир. Мукаллафга Аллоҳ буюрган энг асосий фарз шудир.

Сура Аз-Зариёт Оят 56- 58, маъноси:

(وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ | مَا أُرِيدُ مِنْهُمْ مِنْ رِزْقٍ وَمَا أُرِيدُ أَنْ يُطْعَمُونَ | إِنَّ اللَّهَ هُوَ الرَّزَّاقُ ذُو الْقُوَّةِ الْمَتِينُ)

«Аллоҳ инсон ва жинларни яратди ва ўзига ибодат қилишга буюрди».

Аллоҳ ибодатга муҳтож эмас ва гуноҳкорларни гуноҳидан Аллоҳга зиён етмайди. Ҳақки Аллоҳ ҳеч ким ва ҳеч нарсага муҳтож эмас.

Ҳадис:

"عش ما شئت فإنك ميت وأحبب من شئت فإنك مفارقه واعمل ما شئت فإنك ملاقيه"

Маъноси:

Қанча яшасангда барибир ўласан, кимники севсангда барибир ундан айрилсан, қандай амал қилсангда Қиёмат куни барибир жавоб берасан.

**Шейх Фахруддин ибн ‘Асакир ёзган мактуби.**

**Ўтган устозларни Аллоҳ Раҳмат қилсин.**

**بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ**

Аллоҳ номи ила, Аллоҳ бу дунёда ҳаммага Раҳимли охиратда фақат мусулмонларга Раҳим қилгувчидир.

Мен Аллоҳдан бизни ҳақ йўлда асрашини сўрайман. Ҳар бир мукаллаф билиши керак, Аллоҳ камчилик ва нуқсонлардан пок, Ёлғиз Ҳукмрондир. У бутун юқори ва пастки оламни яратган. Ал Арш, Ал Курсий, еру- осмонни ва уларни орасидаги ҳамма нарсаларни яратган. Барча яратилган нарсалар Аллоҳнинг Қудрати остидадир. Ҳеч бир зарра Аллоҳни Иродасидан ташқари ҳаракатланмайди. Аллоҳ Яратгувчи Уни ёрдамчиси йўқ ва Ҳукмронликда шериги, дўсти йўқдир. Аллоҳ Тирик ва ҳеч кимга муҳтож эмас. У чарчаш, ухлаш каби нуқсонлардан покдир. Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир, ҳатто денгиздаги, ердаги ва узилиб тушаётган дарахт баргини, ҳамда ерни остидаги уруғларни ҳам билади. Аллоҳ ҳамма нарсани ва миқдорини билади. У нимани хоҳласа албатта бўлади, Аллоҳ Қудратли ва Ҳукмрондир. Аллоҳ ўз - ўзидан бор. Ҳеч ким ва ҳеч нарсага муҳтож эмас. Аллоҳга ҳамду- санолар бўлсин У ҳамма нарсага Ҳукмрон ва Абадий охири йўқдир. Фақат Аллоҳ сўроқ қилгувчи ва Яратгувчидир. Аллоҳ Қудратлидир ва У ризқ бергувчидир. Аллоҳга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Аллоҳ Ҳукмрон ва хоҳлаганини қилгувчи ва хоҳлаганича сўроқ қилгувчидир. Аллоҳ савобга муҳтож эмас ва жазодан қўрқмас. Аллоҳ ҳеч кимга қарз ва мажбур эмас. Ҳеч ким Аллоҳни сўроқ этолмайди. Ҳар бир яхшилик неъмат Аллоҳни Раҳматидир ва ҳар бир жазо Аллоҳнинг адолатидир. Аллоҳдан нима қилаётгани ҳақида сўралмайди, аммо улардан сўралади. Аллоҳ ҳеч нарсани яратмасидан олдин ҳам бор эди. Аллоҳни олди- орти, ости- усти, ўнги - чапи йўқдир. Аллоҳ оғирлик, тана каби нуқсонлардан покдир. Қайда, қачон, қандай деган саволларни Аллоҳга айтиш мумкин эмас. Аллоҳ Абадий бор ва макон йўқ эди. У оламни ва вақтни яратгандир. Аллоҳ вақт билан боғлиқ эмас ва жой, макон эгалламайди. Аллоҳни Иродасига ҳеч ким тўсиқ ва зиён беролмайди. Уни ҳаёл ва ҳолат қопламайди ва ўзгармайди.

Аллоҳни борлигини ҳаёлда, шаклда, рангда тасаввур қилиш мумкин эмас. Аллоҳ ҳеч нарсага ўхшамайди, У Кўргувчи ва Эшитгувчидир.

**Китобни ўқишда куйидаги ҳарфларга эътибор беринг:**

В - яъни инглиз тилидаги W товушини беради.

h - яъни ўзбек тилидаги юмшоқ X товушини беради Араб алифбосидаги ( ه )

' яъни қаттиқ а товуши тамоқдан чиқади. Араб алифбосидаги ( ع )

Ҳадис:- Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни айтган сўзлари ва қилган амалидир.

З – яъни инглиз тилидаги th товушини беради (мисол. **this**).

Араб алифбосидаги ( ذ )

С – яъни инглиз тилидаги th товушини беради (мисол. **think**).

Араб алифбосидаги ( ث )

Д – до қаттиқ товушини беради, Араб алифбосидаги ( ض )

с - сод товушини беради, Араб алифбосидаги ( ص )

а - ҳарфни тагидаги чизилган белги чўзиқ а деб ўқиш керак.

и - ҳарфни тагидаги чизилган белги чўзиқ и деб ўқиш керак.

т - то товушини беради, Араб алифбосидаги ( ط )

о - ҳарфни тагидаги чизилган белги чўзиқ о деб ўқиш керак.

з - зо юмшоқ товушини беради. Тилни тишни орасига қўйган холда айтилади. Араб алифбосидаги ( ظ )

**Читайте наши книги:**

**НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ**

«Истинный Путь» (содержит объяснение ʻақыда (правильных убеждений и веры)).

«Мухтасар» (Учебное пособие обеспечивающее необходимыми знаниями по Исламу) по мазхабу (школе) имама Абу Ханифы .

«Мухтасар» (Учебное пособие обеспечивающее необходимыми знаниями по Исламу) по мазхабу (школе) имама Аш-Шафиий .

«Вопросы и Ответы» (содержит более четырехсот вопросов по религии и ответов к ним. Объяснение книги «Мухтасар»).

«Знание о Боге – наиважнейшее из знаний».

«Кто они? От Адама до Мухаммада, мир Им?»

«Упрощенное толкование письма имама Ибн ʻАсакира. Книга о Единобожии».

«Твердость в убеждениях».

«Важные правила в защите веры». Убеждения, знания о Создателе и Его Пророках, мир Им.

«КАК И КУДА...» Как началось создание всего, что будет после смерти и что в дальнейшем.

«Имам Абу Ханифа – известный теолог Ислама». О его жизни и некоторых трудах.

«Рамадан». Вопросы соблюдения Поста.

«Основы выполнения Намаза». Книга для взрослых и детей.

«Никях. Некоторые разъяснения вопросов бракосочетания по Шарийату».

«Осторожно, экстремизм».

«Заблуждения ваһһабитов» (источник краткой информации об этом течении. Аргументы против опасности, которая исходит от этого течения).

«Заблуждения партии «Хизб ат-таҳрир».

«Предупреждение о трех течениях, находящихся в заблуждении».

«Маулид Пророка».

О праздновании События рождения Пророка, мир Ему.

«Путешествие и вознесение Пророка».

«Культура и нравственность в Исламе».

«Преимущества упоминания Аллаһа Всевышнего».

«Джаназа: Погребальные обряды в Исламе».

«Коръан – наипрекраснейшая речь».

«Плоды веры».

Серия «Детям об Исламе. Исламская культура». (5 книг).

Серия «Детям о Кор`ане. История Пророков, мир Им». (5 книг).

«Мы читаем и пишем по-арабски». Часть первая. Учебник для самых начинающих.

«Мы читаем и пишем по-арабски». Часть вторая. Учебник для самых начинающих.

«Золотые крупинки арабского языка» .Изучение арабского языка как иностранного для среднего уровня.

#### **НА ТУРЕЦКОМ ЯЗЫКЕ**

«Имамин иршади». (Руководство имама).

«Ахлиссуннат валджамаадан ифтиражилара кьарши раддиялар».

(Доказательства против различных течений).

«Mevlidi Serif». (Маулид Пророка, мир Ему).

#### **НА ЧЕЧЕНСКОМ ЯЗЫКЕ**

«Йалсаманийн ох1лун 1акьида». (Убеждение мусульманина).

#### **НА ТАТАРСКОМ ЯЗЫКЕ**

«Мэулид Эн-Набий». (Маулид Пророка, мир Ему).

#### **НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

Ҳидоят сари:

«Ислом тавҳид илмидан»

«Оқимлар ҳақида»

«Иймон олти устуни»

«Таҳорат ва намоз»

«Пайғамбарлар ҳикмати»

«Илмсиз фатво жаҳолат йўли»

«Ислом ахлоқи 1,2,3»

**Примечание:** Все выше перечисленные книги вы также можете заказать и на арабском языке.

**Фикр мулоҳазаларингиз ёки ўзингизни қизиқтирган  
саволларингиз билан қуйидаги манзилга мурожат  
қилишингиз  
мумкин:**

**Украина мусулмонлар диний идораси**

✉ **Украина, Киев шаҳри Лукьяновская кўчаси 46-уй.**

☎ **(044) 4651877; 4651878, Факс: (044) 4561770**